

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2025 йил апрель ойининг 14 куни, жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман суди ўз биносида очик суд мажлисида раислик қилувчи: туман судининг раиси У.Шералиев, халқ маслаҳатчилари: Р.Абдурахмонов, З.Йигиталиевдан иборат таркибда, судья ёрдамчиси О.Нурматжоновнинг котиблигида, давлат айбловчиси Андижон ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси Р.Собиров, судланувчи Р.Ёқубов ва унинг ҳимоячиси - адвокат Қ.Салимов, жабрланувчи И.Собировнинг иштирокида, Ёқубов Рўзимахаммад Ахмаджон ўғлини айблаш ҳақидаги 1-1704-2501/33-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Ёқубов Рўзимахаммад Ахмаджон ўғли (Yoqubov Ro'zimaxammad Ahamdjon o'g'li), 1997 йил 10 январь куни Андижон вилояти, Шаҳрихон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Андижон вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин-қутқарув отрядининг сувда қутқарув гуруҳи қутқарувчи-ғоввоси, Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, Қорабўйин МФЙ, Бешмирза кўчаси, 49-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2024 йил 19 ноябрдан қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 7 февраль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмаларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Р.Ёқубов ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани яширин равишда талон-торож қилиш жиноятини қуйидаги ҳолатда қасддан содир этган.

Жумладан, Ёқубов Рўзимахаммад Ахмаджон ўғли ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиб қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил октябрь ойи бошларида ва 2024 йил 16 ноябрь куни Шаҳрихон тумани “Қорабўйин” м.ф.й., Бешмирза кўчаси, 40-уйда яшовчи фуқаро И.Собировнинг яшаш уйига ғайриқонуний равишда кириб, уйдаги сейфдан жами 270.106.634 сўмлик жуда кўп миқдордаги пул ва тилла тақинчокларни яширин равишда талон-торож қилган.

Судланувчи Р.Ёқубов судда, айбига қисман иқдор бўлиб, ҳақиқатан ҳам, 2024 йил октябрь ойи бошида пулга қийналиб бир нечта жойлардан қарз бўлиб қолганини ва пул зарур бўлгани сабабли, у билан битта маҳаллада яшовчи



И.Собировни яшаш хонадони олдидан ўтиб кетаётган вақтда, соат тахминан 10-11 ларда дарвозахонаси олдида каттагина тошни кўриб қолганини, ушбу тошни тагида калити борлигини ва уйларида ҳеч ким йўқлигини билганини, уйга кириш мақсадида тошни тагидаги калитни олиб И.Собировнинг яшаш уйи дарвозасини очиб ичкарига кирганини, шу вақтда И.Собиров дўконда бўлишини билганини, дарвозахонадан кирганда ўнг томондаги хонага кириб, ичкарида иккита хона борлигини кўриб, биринчи ўнг томондаги хонага кирганини ва у ерда ҳеч қандай пулга ярайдиган буюм топа олмаганидан сўнг, чап томондаги хонага кирганини ва ушбу хонага кириб эшикни очган вақтда эшикни ўнг томонида шкаф ёнида кўл рангли темирдан ясалган сейфни кўрганини, ушбу сейфда пул бўлади деб ўйлаб калитни қидирганида, ушбу хона полига солинган полоснинг тагидан 1 дона темирдан ясалган сейфнинг калитини топганини, яна бошқа калитни қидирганида, сейфни оёғи орқасида сейфнинг тепа эшигининг ҳам калити борлигини кўрганини, сўнг у сейфнинг тепа ва пастки эшикларини очиб ичини кўрганида, сейфнинг тепа қисмида тахминан 20 минг АҚШ доллари миқдоридаги пуллар ҳамда пастки қисмида эса 2 та сирға, 1 та узук, 1 дона синиқ узуклар борлигини кўрганини ва ушбу сейфдаги пуллардан жами 14 минг АҚШ доллари миқдоридаги пулни ҳамда 2 дона сирға, 1 дона узук, 1 дона синиқ узукларни олганини ва қолган пулларни ўз жойига қўйиб ҳамда сейфнинг пастки қисмида турган бошқа заргарлик буюмларига тегмасдан, сейфни ёпиб, калитларни жой-жойига қўйиб, сўнг бошқа хоналарга кирмасдан, И.Собировнинг яшаш уйидан катта дарвоза орқали чиқиб кетиб, калитни ўз жойига қўйиб кетганини, шу вақтда кўчада ҳеч ким бўлмаганини ва уни кўрмаганини, шундан сўнг пулларни ишлатиш мақсадида, 2024 йил октябрь ойи бошидан ноябрь ойи ўрталарига қадар Андижон шаҳридаги дискотекаларга бориб, у ерда қизлар билан танишиб, қизлар билан дам олиб, овқатланиш ва қизларга хизмати учун пул бериш, ўзининг кўчада овқатланиши каби харажатларга тахминан 10.000 АҚШ долларидан ошиқ пулни ишлатганини, қизлар билан тахминан 10-15 марта Хонобод шаҳридаги дачаларга бориб келиб, у ердаги дачаларни ижарага олиш ва овқатланишга тахминан 2000 АҚШ доллари атрофида пул сарфлаганини, шунингдек, 2024 йил октябрь ойи ўрталарида у уйдаги 2 бош қора молни сотиб, ўзининг йиғиб юрган пулларга қўшиб, Шахрихон тумани мол бозоридан 5 бош қора мол сотиб олганини ва ушбу молларга ем бўлиш учун ўғирланган пуллар ҳисобидан тахминан 800 АҚШ доллари миқдорида “Аслиддин” исмли танишидан 18-20 тонна атрофида силос сотиб олганини, ўзининг бошқарувидаги “Спарк” русумли автомашинага тахминан 200-300 АҚШ доллари миқдорида бензин, пропан ёқилғисини қўйиб ишлатганини, шунингдек, кўшни маҳаллада яшовчи “Мухаммадқодир”га 1200 АҚШ доллари миқдоридаги қарзини қайтариб берганини, маҳалладоши Б.Мухаммаджоновга 200 АҚШ долларни қарзга берганини, аммасидан ҳам қарзи борлиги сабабли 200 АҚШ долларни берганини, қайноғаси А.Ботировга 100 АҚШ доллари миқдоридаги қарзини қайтарганини, уйдаги 5 бош қора молни ўзининг пулига сотиб олганини, пулларни турли эҳтиёжларига ишлатиб, ёнидаги пул камайганидан сўнг И.Собировнинг сейфидан ўғирлаб чиққан тилло тақинчоқларни сотиш мақсадида, 2024 йил тахминан октябрь ойи охири - ноябрь ойи бошларида Андижон шаҳри Янги бозор худудида жойлашган “Ломбард” савдо дўконига



олиб бориб, у ерда 2 дона сирға, 1 дона узук ва 1 дона синиқ узукни ҳаммасини жами 4.550.000 сўмга сотганини ва ушбу пулларни ҳам ўз эҳтиёжларига ишлатганини, бундан ташқари, пулларни ишлатиш мақсадида яшаш хонадонига 4.200.000 сўмга акфа дераза ўрнатганини, сўнг унга яна пул керак бўлиб қолганлиги сабабли, 2024 йил 16 ноябрь куни соат тахминан 11:00 ларда ишдан навбатчиликдан чиқиб ўз яшаш уйига келганида, И.Собировнинг келини уйдан чиқиб кетганлигини кўрганини, у ўз яшаш хонадонидан чиқиб, И.Собировнинг яшаш уйи дарвозахонаси олдидаги тошни тагида бўлган калитни олиб, ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ушбу уйга яна такроран кириб, олдинги сафар кирган хонадаги сейфни калитини қидирганида, калитни шкафнинг токчасида топиб, сейфни очганида унинг ичида пуллар йўқлигини, лекин сейфда 1 дона узук ва 1 дона цепочка борлигини кўриб, ушбу тилла тақинчоқларни олганини, сейфнинг тепасида пул бормикан деб калитни кидириб кўрган вақтда сейфнинг тепа эшиги калитини топа олмаганини, сўнг ўз яшаш хонадонига И.Собировнинг орқа эшиги орқали чиқиб, уйдан болгаркани олиб чиққанини ва яна И.Собировнинг уйига орқа эшик орқали кириб, сўнг сейф турган хонага кириб, сейфни тепа қисми эшигини қулфини болгарка ёрдамида кесиш орқали очмоқчи бўлганида болгаркани тоши кичкина бўлиб қолганлиги сабабли оча олмаганини, сўнг одам келиб қолишидан кўркиб, тезда орқа эшик орқали кўчага ва у ердан ўзининг яшаш уйига кириб кетганини, кейинчалик тилла тақинчоқларни ўзига таниш бўлган “Санжар” исмли таниши билан кўчада кўришиб унга сақлашлик учун бериб қўйганини, у И.Собировнинг уйдан чиқаётган вақтда ўзи билан сейфнинг калитини ҳам олиб кетганлиги сабабли, калитни ўз яшаш уйи ётоқхонасида яшириб қўйганини, шундан кейин ушбу ҳолат бўйича фуқаро И.Собиров ИИБга берган ариза асосида суриштирув ўтказилганидан кейин, ИИБ ходимларига уйдаги сейфнинг калитини олиб чиқиб берганини, ҳозирда етказилган зарарни қоплаганлигини, айбига иқрорлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи И.Собиров судда, у Шахрихон тумани Найнаво МФЙ марказида жойлашган озиқ-овқат дўконида савдо-сотик билан шуғулланишини, 2024 йил сентябрь ойида ўзига тегишли ер участкасини сотишдан тушган 15.000 АҚШ долларни ва ўзида мавжуд бўлган 1000 АҚШ долларни қўшиб жами 16000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни Шахрихон тумани, Найнаво м.ф.й., Бешмирза кўчаси, 40-уйда жойлашган яшаш уйининг ичкаридаги хонасида мавжуд кул рангли икки қаватли сейфнинг пастки қаватига солиб қўйганини, шу билан бирга, сейфда 2 жуфт тилла сирға, 2 дона тилла узуклар ва бошқа тақинчоқлар бўлганини, сейфнинг калитини шу сейфнинг тагида яшириб қўйганини, шундан кейин 2024 йил октябрь ойи охирларида у сейфини очиб қараганида, унинг ичида 14000 АҚШ доллари йўқлигини билганини ва ушбу пулларни отаси олган деб ўйлаб, турмуш ўртоғи Т.Собировадан сўраганини ва у ҳам билмаганидан кейин, яна отаси хафа бўлмаслигини ўйлаб ҳеч кимга бу ҳақда индамаганини ва турмуш ўртоғи Т.Собировага ҳам ҳеч кимга индамасликни айтганини, сўнг ушбу воқеа ҳақида ҳеч кимга айтмаганини, 2024 йил 16 ноябрь куни соат тахминан 9:10 ларда келини Н.Ёқубова уйни йиғиштириб, унинг олдида савдо дўконига овқатлангани чиқаётганида, унинг дарвозасини ёпиб, калитини ҳар доим қўйиб келадиган дарвозахонанинг



олдидаги тошни тагида яшириб қўйганини, шундан кейин шу куни соат тахминан 12:00 ларда савдо дўконидан турмуш ўртоғи Т.Собирова ва қизи Ў.Ёқубова яшаш уйига боришганида, уйнинг дарвозаси калитини топа олишмаганини ва келини Н.Ёқубова охирги марта уйдан чиққанлиги сабабли унга телефон қилиб сўрашганида, келини Н.Ёқубова калитни уй олдидаги тошни тагига қўйганини айтганини, бироқ калит қолдирилган жойда бўлмаганлиги сабабли қизи Ў.Ёқубова уйнинг орқа томонидаги кичкина эшикка бориб қараганида, уйнинг орқа томонидаги кичик эшик очик бўлганлигини ва улар шу эшик орқали уйнинг ичкарасига киришганини, уйга турмуш ўртоғи Т.Собирова ва қизи Ў.Ёқубова кириб қарашса, уйнинг яшаш хонаси ичида жойлашган сейфнинг олд пастки қисми қорайиб ётганини кўришганини ва қўйган ҳид келаётганини сезишганини, кимдир сейфни болгарка билан очмоқчи бўлганини билишганини, уйда жойлашган сейф икки қават, яъни тепа ва пастки қаватдан иборат бўлиб, ҳар бири алоҳида эшикка эга ва алоҳида калит билан очилиб ёпилишини, у сейфнинг асосан пастки қаватида пулларни ва тилла тақинчоқларни сақлаганини, тепа қаватда эса онасининг нарсалари сақланган бўлганини, шундан сўнг унга ўғли С.Ёқубов телефон қилиб бўлган воқеани айтиб бериб, сўнг унинг олдида келиб уни олиб кетганини, у уйга соат тахминан 13:00 ларда етиб борганида, уйдаги сейфнинг юқори қаватини кимдир очишга уринганини, лекин оча олмаганини билганини, сейфнинг пастки қаватининг эшиги қулф бўлиб, эшикнинг калити эса ўз жойида яъни шкаф ичидаги токчасида бўлмаганини, шундан сўнг у вилоят ИИБнинг 102 рақамига телефон қилиб бўлган воқеани айтиб берганини, ИИБ ходимлари уйига келиб, текшириш ҳаракатларини ўтказишганини, шунда сейфнинг пастки қаватининг калити бўлмаганлиги учун, ИИБ ходимлари иштирокида болгарка ёрдамида ўзлари сейфнинг эшигини кесиб очиб, ичини кўришганида, унинг ичида 5800 АҚШ доллари ва турмуш ўртоғига тегишли бўлган тилла тақинчоқлар, яъни 1 дона занжир ва 1 дона узук йўқлигини билишганини, изкувар ит ёрдамида текширилганида, унинг уйдан ўғрилиқ йўли билан юқоридаги пул ва тақинчоқларни олиб чиққан шахс қўшниси А.Якубовнинг ўғли Р.Ёқубов бўлиб чиққанини, 2024 йил ноябрь ойи бошларида савдодан тушган 3800 АҚШ долларни сейфидаги 2000 АҚШ долларига қўшиб, жами 5800 АҚШ долларни сейфнинг пастки қаватида сақлаганини, сейфнинг калитини эса сейф ёнидаги шкафнинг токчасига қўйганини, кейинчалик билса, 2024 йил октябрь ойида Р.Ёқубов унинг сейфидан 14000 АҚШ доллардан ташқари, яна 2 дона сирға, 2 дона узукларни ҳам олган эканлигини, Р.Ёқубовнинг ўзи ҳам ушбу ҳолатни айтиб бериб тан олганини, сўнг 2024 йил 16 ноябрь куни Р.Ёқубов уйига такроран ўғрилиқка кирганида, сейфнинг пастки қаватидан 5800 АҚШ долларни, 1 дона занжирни ва 1 дона узукни олиб кетганида, ўзи билан бирга сейфининг калитини ҳам олиб кетганини, сейфнинг юқори қаватини эса Р.Ёқубов болгарка билан кесиб очмоқчи бўлганини, лекин оча олмаганини, 2024 йил 16 ноябрь куни сейфнинг юқори қавати очилмагани учун унинг ичидан бирор нима йўқолмаганини, у дастлаб сейфдан 14000 АҚШ долларни отаси олган деб ўйлаганлиги, ўғрилиқ содир бўлганини билмагани сабабли дастлаб ариза билан мурожаат қилганида ва ИИБ томонидан текшириш ҳаракатлари ўтказилганида, у фақат 5800 АҚШ доллари йўқолгани ҳақида маълум қилганини, бугунги кунда Р.Ёқубовнинг отаси томонидан унга



етказилган зарар тўлиқ қопланганини, яъни 2024 йил 25 ноябрь куни А.Якубов 19800 АҚШ доллари миқдоридagi пулни, яъни 14500 АҚШ долларини ва 68.000.000 сўм пулни ҳарбий прокуратуранинг депозит ҳисоб рақамига топширганини, ҳозирда судланувчи томонидан унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини баён қилиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Гувоҳ С.Мўминов судда, Р.Ёкубовни тахминан бир йилдан буён танишини, у билан аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиб, йўлда автомашинаси бир неча марта бузилганида, унга ёрдам берганлиги сабабли яқин танишиб қолганини, 2024 йил 16 ноябрь куни соат тахминан 20:30 лар чамасида Шахрихон туманида жойлашган “Макро” савдо мажмуаси олдида унга аввалдан таниш бўлган Р.Ёкубов билан кўришиб гаплашиб қолганида, Р.Ёкубов унга 1 дона сариқ металдан ясалган занжир ва 1 дона сариқ металдан ясалган аёллар узугини бериб, “ака Сизда туриб турсин мен бир жойга кетяпман, эртага оламан” деб ўзини Спарк русумли автомашинасида кетганини, шунда у Р.Ёкубовдан ушбу тақинчоқлар кимга тегишлилигини сўраб билишга улгурмаганини, сўнг у Р.Ёкубовнинг уйдагиларини тақинчоқлари бўлса керак деб ўйлаб, автомашинани бардачогига солиб қўйганини, эртаси куни яъни 2024 йил 17 ноябрь куни соат тахминан 10:00 да унга Шахрихон тумани ИИБ ходимлари кўнғироқ қилиб, туман ИИБ биносига келиб кетишликни сўрашганида, у ўз ихтиёри билан бориб, бўлган ҳолатларни айтиб бериб, таниши Р.Ёкубов унга берган тақинчоқларни ИИБ ходимларига ўз ихтиёри билан тақдим қилганини, ИИБ ходимлари ушбу тақинчоқларни ундан икки нафар холислар иштирокида баённома асосида қабул қилишганини баён қилди.

Судланувчи Р.Ёкубовнинг содир этган жинояти унинг ўз айбига қисман иқроп бўлиб берган кўрсатмаларидан ташқари, жабрланувчи И.Собиров, гувоҳ С.Мўминовларнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатмалари билан, гувоҳ А.Якубов, М.Ахмедоваларни дастлабки терговдаги кўрсатмалари билан, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова фотосурат билан (и.в.4-11), нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси ва унга илова фотосурат билан (и.в.48-54), тушунтириш хатлари билан ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд ҳайъати, судланувчи Р.Ёкубовнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйлаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан Р.Ёкубовни жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 1-қисмида давлат органи томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида Жиноят кодексининг



8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши, 37-бандида ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантилган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиниши мумкинлиги (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига тўртки берган ҳуқуққа хилоф ҳуқуқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к) ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, мазкур қонун ва Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя қилиб, Р.Ёқубовга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлигини, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, жабрланувчига нисбатан етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, жазони енгиллаштирувчи, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, жиноят содир этганидан кейинги ҳуқуқ атворини алоҳида эътиборга олиб, айти вақтда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд ҳайъати, жиноят оқибатида етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида тўланиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг депозит ҳисоб-рақамида сақланаётган 14.500 АҚШ доллари ва 68.000.000 сўм пулларни ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг жабрланувчи И.Собировга қайтаришни;

- “Ипотека банк” АТИБ Андижон вилоят филиалига 1 сўм ҳисобида топширилган бир дона занжир ва бир дона узукни ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг жабрланувчи И.Собировга қайтаришни;

- жабрланувчи И.Собировнинг аризасига кўра унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олишни лозим топади.

Суд ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб



эътироф этилган бир дона темир сейфни И.Собировга тилхат орқали топширилганлигини инобатга олишни;

- ашёвий далил бир дона калитни жабрланувчи И.Собировга қайтаришни;

- ашёвий далил бир дона болгаркани Р.Ёкубовни яқин қариндошларига қайтаришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосланиб, суд ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Ёкубов Рўзимахаммад Ахмаджон ўғли (Yoqubov Ro'zimaxammad Ahamdjon o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилсин.

Р.Ёкубовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо муддати 2024 йил 19 ноябрдан бошлаб ҳисобланиб, умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Р.Ёкубовга қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг депозит ҳисоб-рақамида сақланаётган 14.500 АҚШ доллари ва 68.000.000 сўм пуллар ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг жабрланувчи И.Собировга қайтарилсин.

“Ипотека банк” АТИБ Андижон вилоят филиалига бир сўм ҳисобида топширилган бир дона занжир ва бир дона узук ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг жабрланувчи И.Собировга қайтарилсин.

Жабрланувчи И.Собировнинг аризасига кўра унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган тилла тақинчоқлар, 400 АҚШ доллари, 1.320.000 сўм пуллар жабрланувчи И.Собировга тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Бир дона темир сейф тилхат орқали И.Собировга қайтарилгани инобатга олинсин.

Бир дона темир сейфни калити И.Собировга, бир дона болгарка Р.Ёкубовни оила аъзоларига қайтарилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида Андижон вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи :-имзо

Халқ маслаҳатчилари :

1.имзо

2.имзо

Ҳукм нусхаси аслига тўғри.

Жиноят ишлари бўйича

Балиқчи туман судининг раиси

У.Шералиев

